

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 140 (10.445)

2005 йил 20 июль

14
O'ZBEKISTON
INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ

нафақат ушбу масканга гузаллик бағишламоқда, балки сотувчи-ю харидорга, тадбиркору деҳқонга қулайлик яратмоқда.

БАРЧА БАҲРАМАНД БЎЛАДИ

Эндиликда эса бунёдкорлик ишлари авж олган «Чорсу» буюм бозорида яна бир файзли иншоот фойдаланишга топширилди. Бу бозорга ташир буюрувчи ҳамда ушбу масканга яқин жойлашган аҳоли ёзинг иссиқ кунларида дам оладиган улкан фавворанинг кад ростлаганидир. Албатта, фавворанинг атрофга таратган салқинидан нафақат танангиз хузура олади, балки унга қараб дилингиз ҳам завқланади. Шу боис ҳам бунёдкорлар — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 65, 52-қурилиш бошқар-

малари ишчи-хизматчилари фавворани тез ва соз бунёд этишда жонбозлик кўрсатишди.

— Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ўзгача қиёфа касб этаётган «Чорсу» буюм бозорининг чиройини таъминлашга, аҳолига қулайлик ва ободлик бахш этишга муносиб ҳисса қўшаётганимиздан беҳад фахрланамиз, — дейди ишбоши Олим Баннов. — Ушбу фавворани пардозлаш ишларида қурувчиларимиз ғайрат кўрсатишди. Ундан баҳра олувчилар хурсанд бўлишса, бу бизнинг меҳна-

тимиз самарасидир.

Айни кунларда ишга тушириладиган фаввора ён-атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда. Бу бунёдкорларнинг пойтахтимиз аҳлига яқинлашиб келаётган байрам тухфасидир.

Шарофат БАҲРОМОВА
СУРАТДА: фаввора қурилишида фаоллик кўрсатган 52-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари — Дмитрий Михайлов, Нусрат Орифхужаев, Олим Баҳромовлар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



XVI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• «Ўзбек қорақўли» компанияси томонидан бу йилги кўзи олиш мавсумида 234 минг донадан кўпроқ сифатли қорақўл тери тайёрланди. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида маҳаллий ва хорижлик истеъмолчиларга 700 минг АҚШ долларидан кўпроқ микдордаги қорақўл тери маҳсулотлари сотилди.

• «O'zbeqim Dasturlari» электр нашрлар таҳририяти жамоаси томонидан 5 йиллик меҳнат самараси бўлган, ўзбек-рус-инглиз тилларида 120 минг сўзни ўз ичига олган «IBORA» электрон лугат яратилди.

• Янгийўл туман хотин-қизлар кўмитаси қошида юридик маслаҳатлар маркази очилди. Бу ерда 2 нафар малакали ҳуқуқшунослар аёлларга бепул маслаҳатлар беришади.

• Навоий шаҳрида «Она ва бола скрининги», «Меҳр-муруват» марказлари ҳамда «Репродуктив саломатлик маркази» иш бошлади.

• Гузур туманидаги «Мустақиллик» истироҳат боғида Қашқадарё вилоятидаги оилавий ансамбллар ҳамда миллий чолғулар ижрочиларининг кўрик-танловий ўтказилди.

• Пешку туманида 11-12 ёшли болалар ўртасида «Футболчимиз келажаги» республика турнирининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.

Жаҳонда

• Россия Президенти Владимир Путин ва Туркия Бош вазири Реджеп Эрдоган Сочи шаҳрида учрашиб музокара-лар ўтказишди. Узаро суҳбат чоғида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада жадаллаштириш тўғрисида келишиб олинди.

• Лондонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Италияда хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Жумладан, мамлакат Ички ишлар вазири Д.Пизану шубҳали шахсларни прокурор санкциясиз ушлаб туриш муддатини икки марта оширишни тақлиф этди.

• Испаниянинг Гвадалахара музофотидаги ўрмонларда жилав-лаш қийин ёнғиннинг кутуриши натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 8 минг гектар майдондаги ўрмон қуйиб қул бўлди.

• Калифорниядаги ҳарбий аэродромда машғулотлар ўтказилаётган пайтда икки қирувчи самолётнинг тўқнашиб кетиши оқибатида икки нафар учувчи жиддий жароҳатланган, битта учувчи эса бедарак йўқолган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ
бир кун
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• **БУГУН** «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Билдирсой» болалар оромгоҳида болажонлар иштирокида «Ёз — ўтмоқда соз», «Сен каби муқаддас Ватан қайда бор?» мавзуларида тадбир ўтказилди.

• **ЎТГАН** кун Юнусобод туманидаги «Қашқар» маҳалласида «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ҳамда Тошкент педиатрия-тиббиёт институти талабалари ҳамкорликларида ёшлар иштирокида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича тадбир ўтказилди.

• **БУГУН** «Умид» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ўзаро фикр алмашишди.

• **ИШ** самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида шаҳримизда фаолият юритаётган «Имкон-плюс» хусусий корхонасига Италиядан замонавий технологиялар келтирилди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар «Маҳалла» жағмафаси ҳамда Солиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорликларида диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида таъкил этилган ўқув курси битирувчиларига сертификатлар топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2005 йил I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодийetni эркинлаштириш жараё-нларини чуқурлаштириш бўйича қурилайтган чора-тадбирларнинг самара-дорлиги, мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича янги стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг роли ва масъулияти муҳокама қилинди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг шу йилнинг 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлисининг Қонун-чилик палатаси ва Сенати қўшма мажлиси-даги маърузасида, шунингдек 7 февралда Оқсарой қароргоҳида ҳукумат аъзоларининг янги таркиби иштирокида ўтказилган йи-ғилишдаги нутқида белгиланган вазифалар-нинг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат маркази-да бўлди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиши муштаҳамлашга, солиқ юқини камайтириш-га, солиқларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тақдим этиш тизимини соддалаштиришга, шунингдек молиявий жавобгарликни эркин-лаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилини-ши бозор ислохотларини чуқурлаштириш-да ва иқтисодийetni янада эркинлаштириш-да муҳим омил бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мажлис кун тартибини муҳокама қилишда қуйи-дагилар устувор масалалар этиб белги-ланди: ҳукумат олдига қўйилган вазифа-лар қандай бажарилмоқда, давлат ва хўжа-лик бошқаруви органлари раҳбарлари маъзур масалаларни ҳал этишга нечоғлик масъулият билан ёндашмоқда, бу борада эришилган дастлабки натижалар қандай? Иқтисодийetni эркинлаштириш соҳасида кейинги ойларда қабул қилинган қонун-чилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакети қай тарзда амалга оширилади?

Мажлисида ушбу масалаларни танқидий муҳокама этиш давомида шу нарса қайд этилдики, иқтисодийetni ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши 2005 йил биринчи ярим йил-лигида инфляциянинг мўтадил даража-сини, бюджет мутаносиблигини, фаол та-шқи савдони, савдо балансида ижобий салдоно таъминланган ҳолда юқори суръ-атлардаги иқтисодий ўсиш тенденцияси-ни муштаҳамлаш имконини берди.

Ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръат-лари 7,2 фоизни, шу жумладан саноатда - 107,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида - 107,2 фоизни, қурилишда - 103,4 фоизни, чакан товар айланмасида - 108,1 фоизни, пул-ли хизматлар кўрсатишда - 111,6 фоизни ташкил қилди. Шунингдек бунга инвести-цияларнинг 105,4 фоизга ва экспортнинг 116,7 фоизга қўйилганлиги ҳам ёрдам бер-ди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатла-ри аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади.

Ташқи савдо айланмаси 4838,6 милли-он АҚШ долларини ташкил этди ёки 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 16,6 фоизга ўсди. Савдо балансининг ижобий салдо-си 808 миллион АҚШ долларини ташкил этди, бу ўтган йил кўрсаткичларидан анча юқоридир. Хўжалик юртувчи субъектлар-нинг иқтисодий фаоллиги ўсганлиги тўғай-ли жорий йилнинг январь-июнь ойларида давлат бюджетининг даромад қисми оши-риб бажарилди.

Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши сезиларли даражада ошди. Кичик бизнес корхоналари сони 12,7 фоизга кўпайди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобиغا 253 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Иқтисодиётда инвестиция фаоллигини ошириш изчил таъминланмоқда, айни бир вақтда капитал кўйилмалар ўтган давр мобайнида ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги 2,2 фоиз ўрнига 5,4 фоизга ошди.

Хукумат дастурларига мувофиқ уй-жой коммунал хўжалиги тизимида, уй-жой қурилишида ислохотлар бошлаб юборилди, шунингдек енгил саноат ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда, уларга муайян даражада молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бир қатор муҳим объектлар барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Чунончи, «Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли участкаси, «Қогон-Газли» ва «Муборак-Фаллаорол» магистрал газ қувурлари участкалари, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қурилмалар, саноатнинг турли тармоқларида янги ишлаб чиқаришлар ва шу қабилар ишга туширилди.

Шу билан бирга, мажлисда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, хусусий тадбиркорлик соҳасини амалий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. У давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз равишда аралашувини чеклашни, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни, солиқ юқини қамайтиришни ва рақобат муҳитини ривожлантиришни қатъиян таъминлаш зарур.

Шу муносабат билан ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро узвий ҳамкорлик қилиши, кичик ва хусусий бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш, қабул қилинган қарорлар ва қарорларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан санкцияларнинг фақат суд томонидан қўлланиш тизимини жорий этишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги ва жадал чора-тадбирлар кўрилиши зарур бўлган масалалар этиб белгиланди.

Ислохотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини назорат идораларининг ноқонуний тафтишлари ва текширишларидан халос қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ноқонуний аралашаётган ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситяётган шахсларнинг муқаррар жазоланишини талаб этади. Ушбу масалалар бўйича Адлия вазири Б.Мустафоев, Бош прокурор Р.Қодиров, Олий ҳўжалик суди раиси А.Ишметов ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг ахборотлари тинланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси нафақат тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, бу борадаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этишга, балки хусусий секторнинг экспорт потенция

лини кенгайтиришда ёрдам кўрсатишга ҳам даъват этилган. Палата раиси А.Шайхон ўз нутқида ушбу муаммоларга ва уларни ҳал этишга доир аниқ таклифларга тўхталди.

Қўн тартибидagi масалаларнинг навбатдаги гуруҳи 2005 йилги Инвестиция дастурини амалга оширишга ва мамлакатда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирларига бағишланди.

Сўзга чиққан раҳбарларнинг асосий эътибори илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг юқори самарадорлигини таъминлашга ва хорижий сармояни республика иқтисодиётига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирларига қаратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этиш жараёнида кредит муассасалари муҳим ўрин тутади. «Асака банк» раиси Ш.Жўраев ушбу ишнинг ҳолати тўғрисида ва иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни анча кенгайтириш бўйича банкнинг таклифлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини кредитлаш ҳажмлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда 2005 йилги Инвестиция дастури айрим лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш суръатларининг пастлиги учун Иқтисодиёт вазирлиги (С.Ҳасанов), Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (Н.Нажимов), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (О.Раматов) раҳбарларига, Навоий вилояти ҳокимига (Б.Рўзиев), шунингдек тижорат банклари раҳбарларига ҳамда бир қанча лойиҳаларни молиялаштириш бошланishi кечикканлиги учун «Ўзбекенгил-саноат» давлат-акциядорлик компанияси (А.Бахромоф) раҳбарларига қатъий кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда айрим ўқув юрталарини қуриш ва фойдаланишга топширишнинг сустр суръатлари қайд этилди. Ўрта махсус, касб-хунарт таълими маркази директори А.Каримов ўз нутқида қайд этганидек, бир томондан, тендер савдолари ўтказишда йўл қўйилмайдиган камчиликлар, иккинчи томондан эса - қурилиш жараёни қатнашчилари томонидан ишларнинг етарлича самарали ташкил этилмаслиги, қурилиш қондаларининг бузилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг паст сифати бунинг сабаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қашқадар вилояти ҳокимлиги фаолияти кескин танқид қилинди. Уларга қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-хунарт коллежлари ва академик лицейларни ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топшириш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бўлаштириб юборилганлиги ҳамда академик лицейлар ва касб-хунарт коллежлари қуриш ва уларни реконструкция қилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилиши учун шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда 2005 йилги Хусусийлаштириш дастурини ўз вақтида амалга оширишга нималар тўқсқинлик қилаётганлиги ҳақидаги масала кескин қилиб қўйилди. Ушбу масала бўйича Давлат мулкни бошқариш қўмитаси раиси М.Асқаров ҳисобот берди. Мўҳокама давомида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ҳисобот даврида

ҳаммаси бўлиб 321 объект сотилганлиги қайд этилди. Жиззах, Сурхондарё вилоятларида, «Ёғмоётамакисаноат» уюшмаси (М.Худоёров), «Ўзавтотўй» давлат-акциядорлик компанияси (М.Абдуллаев), «Ўзқишлоқхўжалик-маш-холдинг» холдинг компанияси (Р.Матчонов) тизимларида объектларни хусусийлаштириш топшириги бажарилмади. Кўрсатиб ўтилган идоралар раҳбарларига ушбу камчиликларни бартараф этиш ва дастурни 2005 йил охиригача сўзсиз бажариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган қўшимча чора-тадбирлар қуриш бўйича топшириқлар берилди.

Қўн тартибининг яқунловчи масаласи бошқоқли дон экинларидан бўлаётган ерларни ўз вақтида шудгор қилиш ва 2005 йил пахта ҳосили учун гўзаларни сифатли ўстириш бўйича комплекс агротехник тадбирларни ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишни таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирларга бағишланди.

Аграр секторни ислох қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан қурилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотини 7,2 фоизга ўсишини таъминлади. Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати тўғрисида бошқоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Й.Тожибоев ва Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Барноев агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан қуриладиган чора-тадбирлар ҳамда улар учун қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги ҳақида тўхталдилар.

«Ўзқишлоқхўжалик-маш-холдинг» холдинг компанияси раиси Р.Матчонов, «Ўзагроманашсервис» уюшмаси раиси Д.Солихбоев ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ф.Иброҳимовнинг ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда самарадорлигининг паст бўлиши сабабларига ва машина-трактор паркларининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш учун уларни эҳтиёт қисмлар билан ўз вақтида таъминлаш муаммоларига ҳамда республика фермер хўжаликларига ўз вақтида ва сифатли сервис хизмати кўрсатиш чора-тадбирларига бағишланди.

Молия вазири С.Раҳимов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Фалла-банк» бошқаруви раиси И.Ўринбоевнинг ҳисоботлари давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз вақтида молиялаштириш ва кредит беришининг жорий этилган тизими самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Мўҳокама давомида вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар жараёнларини изчил чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини таъминлашга, ерларни шудгорлашни тугаллаш, 2005 йил пахта ҳосили учун гўзаларни ўстириш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда мўҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

АНИҚ РЕЖА ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ички бозоримизни чуқур ўрганиши боис ҳам йилдан-йилга кўркам, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар хариддорларни мамнун этмоқда.

Чилонзор туманида 10 йилдан буён баракали меҳнат қилаётган «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунга келиб 25 хил турдаги сифатли, ишлашда оддий ва қулай, узок муддат хизмат қиладиган маҳсулотлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда металлдан тайёрланган турли ҳажм ва шакл-шамойилдаги дарвоза, манзарали панжаралар, офис, банк, фирма, идоралар учун қасса-ларга мўлжалланган тўсун, бюр-юртмалар бўйича махсус жиҳозлар тайёрланади.

Эътиборли томони, жамиятга қарашли таҳриба лабораторияси мавжуд бўлиб, унда синовлар бирон кун тинмайди. Икки уч йиллардан буён изланувчан, янгилликка уч жамоа ахли томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастоҳ ва ускуналар тайёрла-ниб, синовдан ҳам ўтказилди. Улар ўз муддатларида республика-миз бўйлаб миқозларга етказиб берилмоқда.

Қорхона цехларидаги дастоҳ ва ускуналар малакали, ўз ишнинг усталари бўлган ишчиларга мададкор бўлмоқ-да. Жумладан, зарур бўлган-да уларга эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида таҳрибали, олий тоифали ишчилар томо-нидан тайёрланади.

КЎРКАМ ЛИБОСЛАР

Ички бозоримизни йилдан йилга сифатли, бежирим, замонавий маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қиладиган хусусий тадбиркорлар сафи ортмоқда. Уларнинг орасида Яққасарой туманида сама-рали фаолият юритаётган тадбиркор Ботир Дадама-товнинг ўрни алоҳида.

1999 йилда оилавий иш бошлаган хусусий тадбиркор кўп изланди, давр талабини ўрганди. Ҳозирги кунга келиб у қиз-жувонларга мўлжаллан-ган 35 турдан ортиқ бир-биридан чиройли, замонавий, мавсумий либослар тикишни йўлга қўйди, сифат эса улар учун асосий мезон ҳисоблана-ди.

Шу нарсга яхши маълумки, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун фақатгина талабга жавоб берадиган хом ашё керак бўлади. Шу боис ҳам тадбир-кор бу мавсумда 5 хилдаги ёшларга мўлжалланган ёрқин ранглардаги кийимларни яра-тиб, миқозларига манзур қилишга эришди. Тайёр кий-имлар эса «Чилонзор буюм бозори»да сотилади.

Жорий йилнинг куз-киш мавсумига янги либослар яра-тиш устида тадбиркор тиним-сиз изланмоқда. Хар бир мо-деллинг ўзига хослиги — ани-навийлиги замонавийлик би-лан уйғунлашганлиги эъти-борлидир.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Жорий йилнинг май ойида Андижонда содир этилган воқеалар хорижий сиёсатшунслар, таҳлилчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Улар вақт ўтгани сари мазкур ходисалар билан боғлиқ ахборотлар, аниқланган далилларни таҳлил этиб, воқеаларга ўз шахсий муносабатини билдиришга ҳаракат қилмоқда.

Бугун биз муштарийлар эътиборига Марказий Осиё муаммолари бўйича таниқли мутахассислардан бири, Лондон университетининг Шарқшунослик институти профессор, Буюк Британиядаги Қироллик халқаро муносабатлар институтининг мухбир аъзоси, Марказий Осиё мамлакатлари тўғрисидаги кўплаб китоблар муаллифи Ширин Акинернинг Андижон воқеалари бўйича тайёрлаган таҳлилий маърузасининг қисқача баёнини ҳавола этмоқдамиз.

Олиманинг Марказий Осиё ва Кавказ институти /АҚШ/ томонидан яқинда чоп этилаётган маърузасига унинг Андижонга қилган сафари давомида олган таассуротлари, синчиқлаб тўплаган фактлари, шунингдек улар асосида чиқарган хулосалари асос бўлган.

Ширин Акинернинг таъкидлашича, унинг Андижонга келишидан мақсади «жорий йилнинг 13 май куни у ерда нималар рўй берганини билишдан иборат бўлган, чунки оммавий ахборот воситаларининг хабарлари чалқаш ва бир-бирига зид эди». Андижонга келган, британиялик эксперт воқеалар содир бўлган асосий жойларга, шунингдек шиғохонга, қамоқхонага, қабристонга борди ва жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамлар билан учрашиш имкониятига эга бўлди.

Ш.Акинер сафар якунлари бўйича чиқарган асосий хулосасини қуйидагича изоҳлайди: «Мен бу ҳаракатлар ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли юзга келганини тасдиқловчи бирорта ҳам далил тополмадим. Бу хатти-ҳаракатлар кўпроқ сиёсий тусга эга бўлиб, Қирғизистон сценарийси бўйича давлат тўнтавришини амалга оширишнинг бошланғич босқичи сифатида ташкил этилгани эҳтимолга яқинроқдир. Менимча, бунинг учун 13 май, яъни жума кунининг танлангани ҳам бежиз эмас. Чунки шу куни одамлар маънавиятда жума намозига тўпланишди. Балки «исёнчилар», биз ўз хатти-ҳаракатларимизни диний туйғулар билан боғласак, халқ бизни қўллаб-қувватлайди, деган ҳаёлда таъкидланган «Ақромийлар» ислом ҳаракатининг аъзоларини қамоқхонадан чиқариб юборгандир. Аслида улар қаттиқ адашган эди. Менинг фикримча, бу можаро ҳокимиятни эгаллаш учун уринишдан бошқа нарсас эмас».

Ш.Акинернинг фикрича, «бу тинч аҳоли томонидан ташкил этилган намоийш эмас, балки муайян даражада ҳарбий тайёргарликка эга қуролланган кимсалар уюштирган ҳаракатдир. Ўзбекистон ҳукумати «исёнчилар»дан олиб қилинган қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар (200 дан ортқ автомат, 100 та пистолет ва 230 та граната) тўғрисида батафсил ахборот берди; Қирғизистон ҳукумати ҳам Қирғизистон-Ўзбекистон чегарасидан ўтганларнинг қўлидаги қурол-яроғларни мусодара қилди».

Шу боисдан, эксперт-олимининг ишончи қомилки, «бу ўз-ўзидан бошланган намоийш эмас, балки пухта тайёрланган ҳужумдир. Ҳужум қилганлар профессионал жангарилар бўлгани ва ҳужумлар юқори даражада ташкил этилгани ҳам бунни тасдиқлайди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу

ерда рўй берган воқеалар тўғрисидаги дастлабки хабарларнинг яшин тезлигида кўплаб ахборот агентликларининг биринчи саҳифаларида пайдо бўлиши ҳам

шувлар асосан оммавий ахборот воситаларининг /чет элники - тахририят изоҳи/ содир этилган воқеаларни беғунох, тинч аҳолини атайлаб ўққа тутиш сифатида

АНДИЖОН: БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТНИНГ ҚАРАШЛАРИ

воқеалар мутлақо қутилмаганда юз бермаганлигининг исботидир». Маъруза муаллифи ушбу воқеалардан бир неча ҳафта олдин Лондондаги йил пайтида «айрим доиралар Ўзбекистонда нимадир содир бўлиши кераклигини кутиб ўтирганини» хис қилганини эслайди.

Британиялик экспертнинг фикрича, «қамоқхонага уюштирилган ҳужум аслида, «Ақромийлар» ҳаракати аъзоларини озод этишга қаратилган; шу билан бирга, эҳтимол ҳибсдагилар ҳам «исёнчилар»га қўшилиши тахмин қилинган; бироқ уларнинг бу мақсади ҳам амалга ошмади. Ақинча, улар кўплаб маъбусларни куч ишлатиш йўли билан қамоқхонадан тарқ этишга мажбур қилган; лекин маъбусларнинг деярли ҳаммаси ўз ихтиёри билан ушбу воқеалардан кейин бир-икки кундан сўнг қамоқхонага қайтган».

Ш.Акинернинг маълум қилишича, «исёнчилар»нинг айримлари маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган, аммо кўпчилиги Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан, баъзилари эса Қирғизистон ва эҳтимол, МДХнинг бошқа давлатларидан келган бўлиши мумкин».

«Исёнчилар»нинг айримларидан хорижий валютада катта миқдорда пул топилагани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Қирғизистон ва Ўзбекистонда «бузғунчилик фаолияти» ташқаридан маблағ билан таъминлаб турилишига оид ахборот бир мунча вақт тилдан-тилга ўтиб юриди. Бу нарсаси асло далил бўла олмади, албатта. Бироқ билвосита далиллар менга бу ўринда зикр этилган ахборот ҳақиқатдан йироқ эмас, деган тахминга бориш имконини беради», - дейди маъруза муаллифи.

Халқаро доираларнинг Андижон воқеалари бўйича билдирган муносабатига тўхталар экан, «бундай ёнда-

талқин қилган шов-шувли хабарлари асосида шаклланган. Ушбу маълумотларда «исёнчилар»нинг қуроллангани ва мазкур ҳаракатни ҳарбий операция сифатида режалаштиргани ҳақида лом-мим дейилмаган», деб таъкидлайди Ш.Акинер.

Энг асосийси, британиялик экспертнинг келтирилган маълумотлари танқидий баҳолашга уриниб ҳам қўрилмагани ҳайратга солади. «Менинг фикримча, воқеа ҳақидаги хабарлар хронологиясини пухта ўрганиш ва текшириш айрим журналистларнинг қандайдир «можаро» чиқишини кутгани ва воқеалар қандай ривожланиши тўғрисида олдиндан тайёрлаб қўйилган ахборотга эга бўлганини кўрсатади», деб ёзади британиялик олима.

Ш.Акинер журналистлар томонидан Андижон воқеалари ҳақида тарқатилган ахборотларни таҳлил қилар экан, уларни икки тоифага бўлади: «Биринчи тоифа - воқеалар юз берган жойдан тасмага ёзиб олинган «шарҳлар»дан иборат: бу «шарҳлар»да атрофда нималар содир бўлаётгани маълум қилинган, лекин у ёки бу ҳаракат учун кимлар жавобгарлиги, «исёнчилар» ўт очгани ёки очмагани, ҳукумат қўшинлари қайси нуқтадан ўқ узгани тўғрисида деярли ҳеч қандай хабар йўқ. Биз «исёнчилар» қўлида қуроллар бўлганини яхши биланмиз, улар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида отишма бўлгани ҳам ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Бироқ, янгиликларда бу борада деярли ҳеч қандай маълумот ёки далиллар йўқ.

Иккинчи тоифа ахборот маҳаллий аҳолининг гўёки «халис шарҳлари»дан иборат. Бироқ «маҳаллий аҳоли» - бу асосан ҳукуматга қарши чиқаётган шахслардир. Албатта, уларнинг гувоҳ сифатидаги кўрсатмалари муҳим, лекин уларнинг

фикрини ҳолис дейиш қийин».

Ш.Акинер Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган турли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар ҳақида ёзар экан, таъкидлайдики, «улар орасида турмуш шароитини яхшилаш учун ўз жамияти билан ишлашга ҳаракат қилаётган самимий ва дадил одамлар ҳам бор. Шундай эса-да, кўпчилик учун «инсон ҳуқуқлари»ни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият» ва «инсон ҳуқуқлари бўйича фаол» унвонига эга бўлиш ўзига хос даромад манбаига айланиб қолган. Уларнинг фаолияти кўпинча ташқи ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланади, айрим ҳолларда эса жуда катта миқдорда. Шак-шубҳасиз, уларнинг хорижлик ҳомийлари билан яхши муносабатда бўлганлари алоҳида таъкидланади, жумладан, чет эл сафарларига боради».

«Бу соҳа фаолиятига доир мен учун энг нохуш кашфиёт молиявий жиҳатдан қарамлик ўзига хос маънавий тобеликни келтириб чиқараётгани бўлди, - деб ёзади Ш.Акинер. - Мен Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларидан маҳаллий ҳокимият билан муайян масалаларни ҳал қилиш учун биргаликда ишлаб кўришга ҳаракат қилганимисиз, деб сўраганимда, улар бундай ишга қўл уриб кўрмаганлигини айтишди».

Шунга қарамай, британиялик экспертнинг фикрича, «ўз муаммоларини ўз ҳамжамиятлари доирасида, жумладан маҳаллий ҳокимият билан ҳал қилишга уринганлар муайян ютуқларга эришганини таъкидлашган. Бироқ бундай ишда, хорижий дипломатлар ва муҳбирлар иштирокидаги матбуот анжуманлари, учрашувларда бўладигандек, ўз ишини кўз-кўз қилиш имконияти йўқ».

Ш.Акинер «Андижон воқеалари бўйича билдирилган халқаро муносабатлар вазияти яхшилашга ёрдам бермади. Боз устига, бу ерда нима юз бергани тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаган сиёсатчиларнинг андишасиз чиқишлари, Ўзбекистон ҳукуматини танқид қилишлари ва «бу жиддий оқибатлар»га олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги очиқдан-очиқ дўқ-пўписалари вазиятни мураккаблаштирди, холос», - деб таъкидлайди.

Британиялик экспертнинг фикрига кўра, Ўзбекистондаги вазиятга ташқи томондан таъсир ўтказишга уринишлар «фақат диний экстремистик гуруҳларга фойда келтириши мумкин. Бу уларнинг кучи, таъсирчан ёки жозибадор ғояларининг эмас, балки аниқ мақсадлари, раҳбарияти, йўлга қўйилган ташкилий тузилмалари борлигининг натижаси бўлади... Ҳозир натижани олдиндан башорат қилиб бўлмайди: бу борадаги кураш узоқ вақт давом этиши ва бу вазиятда ташқи аралашувлар фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтириши мумкин».

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Санъат

КОЛЛЕКЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН КАТАЛОГ

Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспозицияси экспонатларга бой. Санъат қошонаси залларида намоийш қилинаётган асарлар сони ҳам таълайгина.

Мазкур коллекцияларга асосланган ҳолда янги каталог яратилди. Мутахассисларнинг самарали изланишлари махсули бўлган бу маълумотномада музей фондида сақланаётган ноёб санъат асарлари тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади.

Янги каталог ўзига хос нашр сифатида босиб чиқарилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг молиявий ёрдами билан юзга келган бу каталогдан томошабинлар унумли фойдаланишлари мумкин.

БАСТАКОРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Республикамызда му-
сика санъатида доир
қатор янги китоблар чоп
этилди.

Шулардан бири «С.Варелас. Муслиқдаги ҳаёт» деб номланади.

Мазкур бастакор диёримизда ашаб, кўлаб муслиқ асарларини яратган таниқли иходкорлардан биридир. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор С.Варелас Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабалар билан маъмулотлар олиб бориб, кўлаб истеъдодли ёшларга устозлик қилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган концерт бастакор иходи-
га бағишланди. Қизикарли ўтган бу кечада янги чоп этилган китоб тақдими ҳам бўлди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институтида таҳсил қўриб, мустақил ҳаёт сари йўлланма олган ёш шифокорлар орасида салоҳияти билан танилган жарроҳлар ҳам кўп. Фатхулла Умархўжаев ҳам шу олий ўқув юртини муваффақиятли битириб, ўз касбини эъозлаб келмоқда.

Истеъдодли шифокор болаларда учрайдиган оғир хасталикларни жарроҳлик йўли билан муолажа қилиш борасида бой тажриба орттирди. Унинг ана шу илғор иш усули «Бир мўъжиза тарихи» деб номланган ҳужжатий фильмда ўз ифодасини топти.

Истеъдодли киносанъаткор Аҳор Акбархўжаев бошчилигида суратга олинган бу янги фильм «Ўзқинохроника» студиясининг навбатдаги янги ижодий махсулоти бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

Мушоҳада

БЕБАҲО ХАЗИНА

Инсон яралиб, ўзлигини танибдики, ўзи яшайдиган шароитга, муҳитга мослашиб ҳаёт кечирадиган, умргузаронлик қилади. Табиат — ҳаёт бешиги. Инсон яшайдиган муҳитдир. Инсон табиий муҳитдан ташқарида яшай олмайди. Аслини олганда биз инсонлар ҳам табиатнинг бир бўлаги, унинг неча асрлар давомидаги яшаш учун кураш маҳсулидир.

Инсоният ўз тараққиётининг илк босқичларидан бери табиатга бўйсунди, эндиликда эса инсон табиатни ўрганди, қўрди, унинг инжикликларини ўзига бўйсундирди. Табиат яратган бебаҳо хазиналардан бефарқ фойдаланди. Илмий техника тараққиёти асрида атроф-муҳитнинг мувозанати бузилиши, табиатни асраш нафақат бизнинг, балки жаҳон ҳамжамиятининг инсоний бурчидир.

Жамиятимизда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдек муҳим ишларда ҳам қайта қуриш бошланди. Табиийки, инсонни қураб турган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолиги учун курашиш фақат мутасадди ташкилотларнинггина эмас, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Табиатнинг кучи, қудрати ва мўъжизакорлиги ҳамиша ҳам инсонни ҳайратга солиб келган. Ўзбекистонимизнинг табиати тенгсиз хазинага эга. Табиат диёримиздан ўз саховатини аямган. Ўлкамизнинг ер шарининг энг қулай қуёш ҳароратини истаган миқдорда иситадиган бешинчи иқлимда жойлашуви бизга

Тошкент шаҳар прокуратура ва юқори ташкилотларнинг тақдиминомаларига биноан ташкил этилган 10 та комиссия ишида иштирок этилди, 18 та шикоят аризалар қўриб чиқилди. Шундай қилиб, ярим йил давомида назорат остидаги ҳудудда жойлашган мажмуаларнинг 459 тасида табиат муҳофазаси юзасидан текширувлар

туфайли 1825,555 минг сўм, Собир Раҳимов туманидаги «Зиёкор Сервис» уй-жай мулкдорлари ширкати ҳудудида дарахтларни кесиш натижасида ўсимлик дунёсига 1410,48 сўм зарар етказилганлиги учун жарималар солинди.

Ўтказилган текширувлар натижасида 369 киши маъмурий жавобгарликка тортил-

риш фаолияти тўхтатилган. Масалан, «Автоэлектрон» ОАЖ сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома олмаганлиги туфайли тўққиз кунга, «Шаҳарйўлқурилиш-таъмир» корхонаси чиқиндиларни метёридан ошириб ташлаганилиги учун ўн кунга, «Универсалқурилишсервис» корхонаси давлат экспортизациясининг ижобий хуло-

М.АЛИЕВ

Ҳисобот

ЯКУНЛАР НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Ярим йиллик ҳисобот даврида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 107 та мажмуа, 12 та қисқа муддатли, 16 та назорат тартибиди, 64 та хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчи шахслар, 5 та давлат бюджетидан молиялантирилган мажмуалар бўйича текширувлар ўтказди. Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимликлар дунёсини асраш масаласи юзасидан 222 та жойларга чиқишлар қилинди. Карантин ва давлат бионазорат хизматлари билан биргаликда шаҳар бозорларида ҳайвонот олами жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 5 та рейд ўтказилди.

Жиноий ишлар қўзғатиш тўғрисида Тошкент шаҳар прокуратурасига 5 та ҳужжат йўналтирилди. Жумладан: «Д-20 Наврўз» уй-жай мулкдорлар ширкати ҳудудида номатълум шахслар томонидан ўзбошимчалик билан манзарали дарахтларнинг кесилганлиги аниқланиб ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун 2220,2 минг сўм, «Халқлар Дўстлиги» уй-жай мулкдорлар ширкати ҳудудида сўроқсиз манзарали дарахтларни кесганлиги натижасида В.И.Ванников ҳисобига 613,82 минг сўм, «Катта Чилонзор Уч бетта» уй-жай мулкдорлари ширкати ҳудудида манзарали дарахтларни кесганлиги сабабли туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Х. Ҳолмуродов ҳисобига 2435,691 минг сўм, Яккасарой туманининг Мирқоқилов ва Богодий қўчаларида ўзбошимчалик билан манзарали дарахтларни кесганли-

ган бўлиб, уларнинг 254 нафари мансабдор шахслар, 115 нафари эса фуқаролардир. Жавобгар шахсларга 3356,269 минг сўм жарима солинган, улардан 3197,229 минг сўм мансабдор шахсларга, 159,04 минг сўм фуқароларга солинган жарималардир. Айрим ҳолатларда (86,65, 148-моддалар) Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунининг 33-моддасига асосан жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарликнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда «Энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чораси» қўлланилган.

Ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ҳисобот даврида ташкилот ва фуқароларга нисбатан 158 та даъво чиқарилган. Икки даъво бўйича ҳужжатлар қўғалик судига топширилган.

Ҳисобот даврида баъзи мажмуаларнинг ишлаб чиқа-

Табиатдан нотўғри фойдаланганлиги сабабли инсон унга катта зарар етказмоқда. Жонли табиатга қўпол муносабатда бўлишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган. У табиий муҳитнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий негизини сақлайди ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Мушоҳада

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Қонуннинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини, экологик тизим, табиий комплекслар ва алоҳида мажмуаларнинг муҳофазасини, фуқароларга ўз соғлиқларини сақлаши, уларга қулай табиий муҳит яратиш ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

Сув — бу ҳаёт манбаи. Ҳозирги кунда сувнинг танқислиги сезилмоқда. Сув ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш муҳим масалалардан биридир. Лекин сув манбаларининг сановат, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан ифлосланиши давом этмоқда. Сувнинг бу қадар танқислиги тоза сувнинг қамалиб қолганлигидан рўй бермоқда.

Сув ресурслари айланиши шу қадар кучайдики, табиат дарё ва қўлларни тозалашга улғура олмаяпти. Натижада аҳоли кўп туманлардан оқиб ўтадиган дарёларга оқиб қолди. Аммо сув ифлосланавермайди. Табиий сув ажойиб хусусиятга эга бўлиб, хоссаларини тиклай олади, ўзига тушган ифлос моддаларни ачитади, нейтраллайди, лекин бундай хоссанинг маълум чегараси бор. Бундан кейин сувнинг ўз-ўзининг тозалаш хоссаси тўхтади ва ҳаётбахш дарё ёки қўл қўп йиллар, балки ўн, юз йиллар давомида барча тирик мавжудот учун ҳалокатли хавф тугдирадиган, ҳаёtsiz оқава коллекторга айланиб қолиши мумкин.

Сув муҳитининг нияҳотда ҳаракатчанлиги билан бошқа табиий муҳит ва ресурслардан фарқ қилади. Табиатда сув тўхтов ҳаракатда бўлади. Сув ресурсларининг ҳамма манбалари океан, денгиз, дарё, қўл, ер ости суви ва барча табиатдаги мавжуд унсурлар таркибиди сувнинг айланма ҳаракати орқали ўзроқ боғланган. Сайёрамиз — ерда ҳаёт учқунлари авваламбор сув муҳитида пайдо бўлган, деган фанда илмий тушунча ҳам мавжуд. Барча жонзотлар қонининг таркибиди ҳам, ўсимликлар ширасининг таркибиди ҳам сув бор. Унинг ёрдамида тирик организмларда ўлик табиатда бўлмайдиган модда алмашинуви қаби жараён юз беради. Тирик организмлар



№ 7(159) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Муаммо

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БҮРЧИМИЗ

Ҳозирги кунда инсоният учун жиддий хавф тугдирётган ҳодисалардан бири экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва атроф-муҳитнинг ҳалдан зиёд ифлосланиши ҳисобланади. Ер юзининг қайси минтақасига назар ташламайлик, у ерда экологик хавфхатар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Марказий Осиёда ҳам.

Биз қўллаб жойларда бўлганимизда ва табиатга оид маърузаларни тинглаганимизда экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун бир инсониятнинг умумий муаммосига айлانганлиги, табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида яшashi ва бу қонуниятни бузиш глобал экологик фожияларга олиб келишини кўп эшитганимиз.

Асосан ташвишли экологик вазиятнинг сабаблари қуйидагилардир: — Ернинг чекланганлиги ва унинг сифати таркиби пастлиги билан боғлиқ хавфнинг

тўхтовсиз ортиб бориши;

— Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик нуқтани назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувлари кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш тугдирмоқда. Республика камиз каналлари, дарёлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар томонлама инсон фаолияти таъсирига учраши;

— Орол денгизининг қуриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо ёки миллий қуфат бўлиб қолди. Бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортиди.

Шифобахш ўсимликлар

ДАРМОНДОРИ ҚОРАҚАНД

Қорақанднинг бўйи тўрт метрга етиши мумкин. Барглари юпқа, томчисимон қўрниниша эга. Узунлиги 2-6 сантиметр, қирраси текис ёки тишли, уст томони кўкиш, таги яшил. Ёш шохчалари қўнғир, катта шохлари қулранг тусли бўлиб, гуллари заъфарон, шингилсимон тўпгулдан иборат. Ўсимлиқнинг шохлари қўп, тиканлари учли, ўсимлик мевасининг ранги тўқ бинафша рангли бўлиб, туҳумсимон шаклда, узунлиги 0,7-1,2 сантиметр келади. Меваси августнинг иккинчи ярмида, сентябрь ойининг охиригача пишади. Ўсимлиқнинг меваси кўм-кўк рангда, шода-шода бўлади.

Республикаимизда қорақанд табиий ҳолда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа кўпгина жойларда, сой бўйлари, тош ва шағалли тоғ ён бағирларида учрайди. Қорақанд мевасидан зиравор

бошқа моддаларни сақлайди. Қорақанд мевалари қадимдан халқ табобатида ишлатилиб келинади.

Абу Али ибн Сино қорақандни чанқоқ қолдирувчи, иситма ҳужуддан ҳалос этувчи, юракка далада берувчи ҳамда жигар хасталикларига шифо қилувчи омил сифатида тавсия этган.

Қорақанддан асаб фаолияти сустланганда, ошқозон-ичак, сарик касалликларини даволашда, ҳароратни пасайтирувчи, иштаҳа уйғотувчи, ўт ҳайдошчи, яллиғланишга қарши восита сифатида фойдаланилади. Қорақанд илдиридан тайёрланган қайнатма безгак ва боднинг давоси ҳисобланади. Бу қайнатма халқ тилида «қийна зирк» деб аталиб, унинг суялтирилгани билан оғиз

— Ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республика экологик хавфсизлигига таҳдид солаётгани кишини тобора ташвишлантирмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқаришни қамайтириш учун тегишли технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш лозим деб ўйлаймиз.

Қишлоқ, ўрмон ва бошқа ҳўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келаётган барча кимёвий моддаларни қўллаш устидан ҳам маълум даражада назорат ўрнатиш керак.


Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳаво ва сув муҳити инсоннинг ҳаётий фаолияти учун жуда зарурлигини билиб, уларга зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддаларни ташлаб, ифлослантирмаслик керак. Келахат авлодларимизга тоза ҳаво, тиниқ сув, тупроқ қатламини ифлослантirmасдан, ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолатда етказиб беришимиз бурчимиздир.

А.КАЛИМБЕТОВ, давлат нозир

вазининг ярмидан ортигини сув ташкил этади. Сувнинг ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида қўлланишини бошқа ҳеч қандай табиий ресурслар билан таққослаб бўлмайди. Ерда ҳаёт бўлиши учун сув қанчалик зарурлигини албатта ҳамма тушунади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш учун аҳоли ўртасида кўпгина тadbирларни ташкил этиб сувимизни исроф этмасдан фойдаланишларига эътибор беришларини мунтазам равишда таъкидлаб ўтади. Ўлкаимиздаги оқава сувларга хонадонларимиздан чиқаётган чиқиндиларни ташламаслиқни, доимий равишда сув атрофида ободончилик ишларини олиб бориб туришларига даъват қилади. Демак, инсон учун бебаҳо ҳисобланган сув, ҳаво, ўсимликлар дунёсига зарар етказмаслик мустақил ўлкаимизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқароннинг бурчи эканлигини эслатишимиз шарт.

А.РАСУЛОВ, Собир Раҳимов тумани нозир



Чумоли ҳақида гап кетганда ҳаммаша ҳаёлим-да Қриловнинг машҳур «Ниначи ва чумоли» масали жонланарди. Унда ниначининг «ҳозирги ҳузурини» ўйлаши-ю, чумолининг захматкаш, фидойилиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Мўъжизалар оламида

«ОНА» МЕҲРИ

Яқинда кўз ўнгимда бўлиб ўтган воқеа чумолининг фақат захматкашлигини эмас, балки унинг оналарга хос бўлган фазилатини ҳам исботлади.

Дам олиш кунни қишлоқдаги дўстимизнига борган эдим. Кечқурун мусоффо кўз ҳавосидан тўйиб нафас олиш мақсадида дала айландик. Олашафак қуёш ётоғига бош қўярди. Тўбсиз адирларга ула-ниб кетган галла майдонларининг охири қўрнимайди. Емишини ортмоқлаб манзил томон ошқиб бораётган бир чумолига тикилиб қолдик. Унинг ёнида миттигина чумоли йўргалаб боряпти. У гоҳ онасига етиб олади, гоҳ орқада қолади. Она чумоли ҳам ҳар қанча ошқимасин, бир зум боласини унутмайди. Вақти-вақти билан тўхтаб «эркатойи»нинг етиб келишини кутиб туради. Боласи ёнма-ён келган, қўнгли тинчиб яна олдинга интилади.

Бирдан бахтсизлик рўй берди. Митти чумоли шоганиданими ёки тасодифданими, қўлмак сувга тушиб кетди. У «оролча» ўртасигача сузиб борди. Кейин кучи етмади шекилли, сув юзиди қалқиб қолди. Хавфни сезиб она чумоли шоша-пиша орқасига қайтди. Боласига ёрдам бериш истагида қўлмак атрофини гириллаб айланди. Бир-икки бор сувга тушишга жазм этди-ю, лекин юраги дов бермади. Шу пайт устига оғир «юк» ортмоқлаган бошқа бир чумолини қўриб ўша томон югуриб кетди. Унга ўз «гапини» ўқитирган, икковлашиб қўлмак томон қочишди. Каердадир пайдо бўлган яна икки чумоли уларнинг орқасидан шоша-пиша «воқеа содир бўлган жойга» етиб келишди. Дастлаб она чумоли, сўнг бошқалари қўлмак бўйлаб сузишди. Тўртовлон миттини ўртага олишиб, қирғоққа қайтишди.

Хавф биттаф бўлди. Уч чумоли сўқмоқ бўйлаб, она ва митти чумоли эса ёнма-ён ошқимасдан уялари томон йўргалаб кетишди.

Шу воқеани кўра туриб, халқимизнинг «кўпдан қувн қочиб қутулмас», деган сўзи нақадар ҳаётий эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

М.ОРИПОВ

Экология қўлданли

ЖАРИМАЧИЛАР

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаи озодлиги бўйича мунтазам равишда текширувлар олиб борадилар. Кузатувлар давомида улар бир қатор қонунбузарликларга дуч келишади. Табиатга озор етказган шахсларга нисбатан жарималар солишади. Қуйида ана шундай жаримачилардан бир нечтаси билан танишасиз.

● Нозирлар Бектемир туманидаги «ТХАЙ ФБ» корхонасида бўлганларида ушбу корхона ҳудудидаги КамАЗ транспортигага нефть маҳсулотлари тўкиладиган йўл қўйилганлигини аниқлашди. Бу ҳолат учун бош муҳандис А.Азимовга 24 минг сўм, сувдан махсус рухсатнома ҳужжатининг мuddати ўтганили, сув олиш қоидалари ва лимитлари бузилганлиги учун ТМК муҳандиси С.Тимниковга 8 минг сўм, автортранспортидан чиқаётган зарарли моддалар миқдорини ҳар қоракда текширишни йўлга қўймаганлиги боис бош механик Ш.Муталовга 8 минг сўм миқдориди жарима солинди.

● Бектемир туманидаги йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси корхонасида ҳам бир қатор камчиликларга дуч келинди. Бу ерда автортранспортдан чиқаётган зарарли моддалар миқдори мунтазам равишда текширилмаган, бунга йўл қўйган муҳандис А.Азимовга 16 минг сўм, механик таъмирлаш устaxonасида нефть маҳсулотларининг ерга тўкилиш чораларини кўрмасак ҳукуматимиз томонидан қўйилган юксак мақсадларга эриша олмаймиз.

М.КОДИРОВА

Корхоналарда

ДАРАХТ КЕСИШГА КИМ РУХСАТ БЕРДИ?

Шу йилнинг 7 июль кунин Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига Собир Раҳимов туманидаги 3-акушерлик мажмуаси беморлари телефон қилишиб, ҳудудда дарахт кесиш ташланаётгани ҳамда кесилган шох-шаббалар ёқиб юборилаётганини хабар қилишади. Зудлик билан ўша жойга воқеадан хабар топиш учун нозир жўнатилди. Бош шифокор У.Файзиева ўз навбатида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимига бўлган иш ҳақида ёзма кўх беришдан бош тортиб назоратчи Ш.Боқиевнинг мажмуа ҳудудидан чиқиб кетишини талаб қилади.

Кейинчалик У.Файзиева Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тақдир қилинади. Бу ерда у шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси топширигига биноан дарахтларга шакл берилгани, дарахтни кесиш ташлаш ва унинг шохларини ёқиш ҳақида ҳеч қим буйруқ бермаганини тушунтиради. Бироқ, бу ўзини оқлаш мантала тўғри келмайдиган ҳолат деб топилади.

Акушерлик мажмуаси хўжалик мудури И.Бобоев эса қаттиқ шомол натижасида синиб тушган бир дона айланаси 46 сантиметр бўлган эсен дарахтини кесишга рухсат берганини тушунтиради.

Мажмуа раҳбариятининг юқоридаги ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари бузилган. Шу сабабли, мажмуа ҳўжалик ишлари мудури И.Бобоев маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 162-моддаси билан жавобгарликка тортилди. Лекин бу билан шу мажмуада даволанаётган оналар ва анги туғилган чақалоқларнинг, қолaversа мажмуа ходимларининг соғлиғига етказилган салбий таъсир оқибати қопланадими? Йўқ, албатта.

Республикаимиз Президенти томонидан 2005 йил Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинган экан, демак, ўз вақтида бу борада йўл қўйилган салбий ҳолатларнинг ҳамжиҳатлик билан олдини олиш чораларини кўрмасак ҳукуматимиз томонидан қўйилган юксак мақсадларга эриша олмаймиз.

Шарқ дурдоналари



● Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.
● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беъайди.
● Узоқ шармандалик умрдан кўра, қисқа ҳалол умрни ҳамиша афзал кўр.
● Ҳалол яшаганингни сезиб турсанг, ҳаёт наъшали ва осон туюлади.
● Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.
● Донолар айтадилар: — Эй фарзанд, молу мулкнинг бекорга саклама, уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жоҳил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси аммора куйига кириб, ғам ва кулфат кўрадилар.

— Эй, фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг софдил бўл. Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма, ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Дунёда яхшилиқ қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнак ол!

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг ондига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди.
— Эй Ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.
— Ҳа, ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки, Ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.
Луқмони Ҳаким унга:
— Ҳалолликдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан, — жавоб берди.

● Мусибатли ва оғир дамларда қаноат ва сабрни пеша қил! Сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.
● Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштирма. Уларга марҳамат кўзи билан боқ. Уларнинг гапига қулоқ сол ва яхшилиқ қил. Раҳм — узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тўқ, фаровон яшашига сабабчи бўлади.
Байт:
Кишидан рози бўлса агар қариндош,
Ошиб обрўйи, бўлғай барчага бош.

● Ҳеч бир кишини хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин ёмон сўзлар билан камситмаслик керак.
● Айб яширишни киши ўзи учун шпор қилишго керакки, бу улғу кишиларнинг ёқимли хислатларидандир.
● Агар икки кишининг орасида ҳусумат пайдо бўлса, уларни яраштиришга ҳаракат қил ва бу ишда ҳеч кучингни аяма.

● Агар сизнинг қадр мартабанигиз ортиб, амалга минсангиз, ўзингиздан кичикларнинг хизматини ерда қўйманг ва барча ишларни адолат юзасидан адо қилинг.

ОИЛАВИЙ МАРКАЗЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилган ишлар тобора кучайиб бормоқда. Айрим фарзандли оилалар ҳаётини яхшилаш мақсадида кенг қўлмали умумдавлт дастурлари амалга оширилмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида оилавий ресурс марказлари тармоғини ташкил этиш ушбу лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ ва маҳаллий ҳокимият органлари кўмағида беш йилдан буён ушбу лойиҳани амалга оширмоқда. Лойиҳа болалар тарбияси ва моддий таъминоти билан фақат оналари шугулланадиган оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш бўйича янгиқа ёндашувга асосланган. Турмуш шароити оғир, бирон-бир касбга эга бўлмаган ҳамда доимий даромади йўқ аёллар баъзида ўз болаларини давлат муассасалари — меҳрибонлик уйлари ва интернатларга топширишга мажбур

бўлмоқда. Ушбу муаммони бундай аёлларни нафақат доимий иш билан таъминлайдиган, балки зарур бўлганда уларнинг фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилишни ҳам ўз зиммасига оладиган оилавий ресурс марказлари хал қилади.

Ана шундай биринчи марказ 2000 йилда Андижонда ташкил этилди. ЮНИСЕФ гранти ва маҳаллий тадбиркорлар маблағлари эвазига тикувчилик буюмларини тикиш ҳамда нон тайёрлаш учун ажратилган бинода ишлаб чиқариш хоналари жихозланди. Бу ерда хотин-қиз

лар янги касбни эгаллаб, меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари улар ишлаб чиқаришни бошқариш ва болаларни тарбиялаш кўникмаларини ўрганаётир, ҳуқуқий саводхонлигини оширмоқда.

Шунингдек, бинода болаларга қундузги қараш бўлимлари ҳам бор. Оналари ишлаётган пайтда уларнинг фарзандлари тарбиячи ва тиббиёт ҳамшираси назорати остида бўлади. Бу ерда болалар ўйнайди, ўқиш ва ёзишни ўрганади, овқатланади. Бугун марказ 200 нафарга яқин аёлга ёрдам бер

моқда. Уларга эгаллаган касби ва қаролатли иш ҳақи жамиятининг тўлақонли аъзоси эканини ҳис қилиш, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини оширишга ёрдам беради.

Андижонда ушбу тажриба лойиҳасининг амалга оширилиши оилалар ҳақида ғамхўрликнинг бундай тури самарадорлигини исботлади. Бу тажрибани республикада оммалаштиришга қарор қилинди. Бугунги кунда ана шундай ресурс марказлари Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам марали фаолият юритмоқда. Жорий йилда кейинчалик аҳолининг ҳимояга муҳтож бошқа гуруҳларига ижтимоий хизмат кўрсатадиган тузилмаларга айлантириладиган бундай оилавий марказлар мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида ҳам ташкил этилади.

СУРАТЛАРДА ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИГИ

Тошкент Фото уйида словакиялик фото устаси Ладислав Стругарнинг кўргазмаси очилди. Кўргазма Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилди.

Ладислав Стругар Братиславада туғилган. Тижорат фотографияси соҳасидаги санъат қасблардан ўрта мактабини тамомлаган. Ёшлигидан табиат ва у билан уйғунлиқда яшаётган одамларга яқинроқ бўлиш, фотосуратлари орқали она-табиатга бўлган муҳаббатини ифода этишни орозу қиларди.

Кўргазмада фоторассомнинг ўттиздан ортиқ

асари намойиш этилган. Ладислав Стругар ижодининг ўзига хослиги шундаки, у оддий нарсаларда ҳам гўзаллиқни кўриш ва уни томошабинга тақдим этиш йўллари билди. Унинг «Менинг болагим», «Безовта қалб», «Ғоя», «Чексизлик» каби фотосуратларида табиатнинг инсон ва санъат билан ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган.

Ў.А

Саъй

ОРКЕСТР САЪЙ-ХАРАКАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри мусика санъатининг энг яхши асарларини тарғиб этиш йўлида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бу ижодий гуруҳ тақлифи билан диёримизга халқаро доирада яхши танилган бир нечта санъаткорлар келиб қизикларли гастрол концертларини намойиш қилмоқдалар.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган мусикали кеча ҳам шинавандларга манзур бўлди. Германиялик машҳур виолончелист Антон Николеску ҳамда моҳир дирижёр Стафано Тразименилар ижросидаги концертда Европа умумтоз мусикасининг йирик намояндаларининг асарлари янгради.

Оркестр чет эллик яна бир гуруҳ мусика санъати усталарини Ўзбекистонга ижодий сафарга тақлиф этди.

Акбар АЛИЕВ

Маданият

САНЪАТКОРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Республика Методика ва ахборот маркази маданият, санъат соҳасига доир ўқув юртлари учун ўқув иш режаларини тайёрлаш, бўлиб ўтаётган барча тадбирларни ёритиш, ёш, умидли санъат шайдоларини элга танитиш, тажрибали санъаткорлар ҳаёти ва ижодини республика оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилибгина қолмай, маданият ва таълим муассасаларида ўқиётган талабалар ва ўқувчилар учун методик қўлланмаларни нашрдан чиқариш ишларини ҳам амалга ошириб келмоқда.

Яқинда марказнинг жонкуяр ходимлари ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтини биргалликда ҳушоз хонанда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти

Ҳайрулла Лутфуллаевнинг «Қўшиқ ва санъаткор» номли китобини нашрдан чиқарди. Китобда машҳур санъаткорнинг босиб ўтган мазмунли ҳаёти йўли, у ижро этган қўшиқлар ноталари ва матни акс эттирилган бўлиб, китоб ўзбек қўшиқчилик санъатига қизиққан китобхонлар, талабалар учун жуда қўл келади. Айниқса, «Улғу йўл бошида», «Баҳор менинг тақдиримда», «Халқ меҳри — олий неъмат», «Қалбдан ўчган меҳр», «Элни суйган эъзоз топар», «Янги йил арафасидаги кўнироқ» ва шунга ўхшаш эсдаликларни ўқганимизда санъаткорнинг ҳаёт йўли билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўламиз. Бундай аjoyиб китобларни нашр этишда эса Республика Методика ва ахборот маркази ходимларининг меҳнатлари беқиёсдир.

Мухтасархон КАРИМОВА

Янги китоблар

ИМЛО ЛУҒАТИ — ДОЛЗАРБ ҚЎЛЛАНМА

1996-1997 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларимиз бу йил (2004-2005 ўқув йилида) барча фанларни лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосида ўзлаштирган ҳолда синфни битирдилар.

Республикаимизда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини жорий этиш муддати 2010 йил 2 сентябрда ниятсизга етди. Жойларда ўқиш ва ўқитиш ишлари мунтазам равишда давом этиб келмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 24 августда тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» (82 банд)га асосланган янги имлодаги луғатларга эҳтиёж ва зарурият ўз-ўзидан сезилди. Ҳозиргача бундай луғатлардан тўрттаси чоп этилди: дастлабки 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган. Иккинчиси Э.Д.Панасенко, Э.А.Умаров томонидан тузилгани 1998 йилда «Ўқитувчи» нашриёти уйи томонидан нашр қилинган. М.Йўлдошев томонидан тузилгани 1998 йилда нашр этилган. Шунингдек, 1999 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош тахрирати томонидан Т.Тоғоев, Г.Тавалдиева, М.Акромовларнинг «Ўзбек тилининг кирилл ва лотин алифбаларидаги имло луғати» чоп этилган.

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодий университети профессори Суннатилла Ризаев томонидан тузилган «Ўзбек тилининг имло луғати» (2005 йил, 160 бет) нашрдан чиқди. Мазкур луғатдан

фойдаланишнинг афзал ва осон томонлари яққол кўзга ташланади. Айниқса, «Тутук белги»ли сўзларнинг жойлаштирилиши, шунингдек, аввалги луғатларда турлича берилган сўзларнинг ёзилишида бир хилликка эришиш, яъни тўғри ёзилиш қонуни-қоидаларига тўлиқ риоя этилган. Луғатнинг бош қисмида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг илова қилинганлиги ҳам диққатимизни жалб этади.

Луғат саҳифаларидаги ёзилиш қийин бўлган сўзлардан, айниқса, «valuta», «rejjisor», «aluminium», «sentabr», «oktabr», «budjet», «puk», «molekulalar», «schotchk», «byuro», «samalot» каби унлаб сўзларнинг келтирилганлиги мақсадга мувофиқдир.

Ушбу «Ўзбек тилининг имло луғати» мактабгача тарбия муассасалари ходимларидан тортиб кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланганлигига қарамай жуда оз нусхада чоп этилганлиги ачинарлидир. «Имло луғати — саводхонлик асоси» бўлганлигидан бундай долзарб қўлланмаларнинг минг-минглаб нусхаларда чоп этилиши аини муддао бўларди.

Эркин ИБРОХИМОВ,
Абдулла МАШАРИПОВ,
доцентлар.

Ёшлар

Келажагимиз

ЭЗГУ НИЯТ
ҲАМРОҲИМИЗ

«Камолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими Кенгаши томонидан «Ёшлар» «Камолот» билан! лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, тумандаги «Миришкор», «Бектемир», «Маърифат» маҳаллаларида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари Садриддин Абдуллаев, Отабек Сулаймонов ва фаол сардорлар бошчилигида «Кўча спорт уйлари» мусобақалари ўтказилди. Спортнинг футбол, волейбол, шахмат-шашка, арқонга тортилиш каби қатор турлари бўйича бўлиб ўтган ушбу мусобақада қатнашган 100 дан ортқ болажонларга тадбир ниятда манзур бўлди.

«Ёшлар» «Камолот» билан! лойиҳаси доирасида яна «Тилларни ўрганиш» мавзуси бўйича Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари Савринис Азизова (немец тили), Жасур Ачилдиев, Фарҳод Рузиев (инглиз тили)лар ҳафтада уч марта қизқувчиларга машгулотлар ўтмоқдалар.

«Ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» бўйича эса Тошкент Давлат юридик институти талабалари Дилшод Толипов ва Жамшид Жалиловлар, «Тиббий патронаж» бўйича эса 1-Тошкент давлат тиббиёт институти талабалари билан ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Кекса, ногирон, ёрдамга муҳтожларнинг уйларида бориб ҳабар олинмоқда.

«Маънавий-маърифий тадбирлар»га эса Тошкент Давлат маданият институти талабалари Мансур Хасанов ва Бекзод Амановлар бошчилиқ қилишмоқда. «Компьютер курслари» бўйича «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошида очилган «Компьютер ўқув маркази»га 12 нафар ёш йўллама билан юборилди. Булардан ташқари «Ўй бекаси» курслари ҳам мавжуд бўлиб унда туман маҳаллаларида истикомат қиладиган қизлар шаҳар «Ойла» маркази ташкил этган «Ўй ҳамшираси» курсларига ўқишга жалб этилган.

— Ҳайрли ният билан ташкил этилган «Ёшлар» «Камолот» билан! лойиҳаси доирасида амалга ошираётган барча ишларимиз «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси ва яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб соғва бўлади, — дейди биз билан сўбатда «Камолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими Кенгаши раиси Илхом Алимов. — Мақсадимиз маънан, жисмонан ва ақлан баркамол авлодни тарбиялаш экан ҳар бир қилаётган ишимиз мана шунга қаратилган бўлиши керак. «Камолот» мана шу йўлда ёшлар билан ҳамқадам, ҳамфикр бўлишга интиломоқда.

Азиза МУХАМЕДОВА

БЭ — қизик

РЕКОРД
ОРҚАСИДАН
ҚУВИБ

Англиялик Ричард Нобл шу кунларда катта орзу билан яшамоқда. У қуввати 34 минг от кучига эга бўлган реактив двигателли автомобилда америкалик Гэри Габелич томонидан ўрнатилган жаҳон рекордидан ўзиб кетмоқчи. Маълумки Гэри Габелич худди ана шундай машинада соатига 955 километр масофани босиб ўта олган эди.

“Жапан таймс” газетасининг хабар беришича, Нобл ўз орзусига эришиш арафасида турибди. Чунки у яқинда бўлиб ўтган навбатдаги машғулотлардан бирида ўзининг автомобили тизлигини соатига 984 километрга ошира олган.

...ОЗОД
БЎЛИШДИ

Англияда хайвон ҳуқуқлари учун курашчилар тажрибада фойдаланиладиган итлар сақланадиган бинога кириб боришди.

—Тўсатдан қоровул уларга рўпара бўлди. “Яшиллар” реактив дигитал уларни, бахтсиз итларни тўтқиликдан қутқариб юборишди.

НАЗОРАТ —
ЭҲТИЁЖ

Канадада 1980 йилгача қудуқ суви назорат қилинмасди. Ҳозир эса қудуқ суви йилга тўрт марта текшириб турилади.

Бу текширишлар қудуқ сувининг тўртдан уч қисми бактериялар билан зарарланганини кўрсатади. Сувда сурма, борий, фтор, нитратлар кўплиги аниқланди.

ЭҲРОМЛАР
ТИЛСИМИ

Миср эҳромлари қандай жисмлардан тикланган? Бэзи олимларнинг фикрича юқори Нил қояларидан тош бўлаклари кесиб олинб, сўнгра қурилишга жўнатилган. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг тахминича эса, бу жисмлар ҳозирги замон фанига номалум технология асосида, шу жойнинг ўзида, туҳум оксиди ёки бошқа бир органик моддаларнинг қоршамаси асосида тайёрланган.

Бир неча йил муқаддам қандайдир синчков археолог эҳромларнинг биридан инсон соҳ таланини топиб олди ва бу анча шов-шувларга сабаб бўлди...

Яқинда “Дигор” тадқиқот фирмаси олимлари Иркутсклик Валерий Горбов ва Сергей Дигон қадимий эҳромлар тилсимининг очилганини эълон қилишди. Уларнинг фикрича, мисрликлар қурилиш учун залворли қисмларни шу жойнинг ўзида — саҳрода қум ва денгиз сувидан тайёрлашган.

Виктор Дигон ва Александр Дубинин бошчилиги қилаётган “Дигор” ва Петербургнинг “XXI аср маъдансозлари” фирмаларининг тадқиқотларида кўра, қум зарраларини 400 градус иссиқликда маълум вақт қиздирилиб, сўнг совутилса, жуда мустаҳкам жисм ҳосил бўлади.

Дигоннинг мулоҳазасига кўра, қадимий усталар яратган жисми “Дигор” фирмаси ҳам айнан ўша ҳолида яратди олди. Бугунги кунда Саҳройи қабир қўмларидангина эмас, бошқа барча саҳро қўмларидан ҳам ҳеч қандай сарф-харажатларсиз абадий сақланадиган бинолар учун истаган, қурилиш ускунаси тайёрлаш мумкин.



Келажагимизнинг нурли дебоҳалари — истиқболи порлоқ, орзулари ойдin, қарашлари ёрқин, фикрлари тиник ёшлардир!
Наталья Семёнова олган суратлар

Ҳаёт сабоқлари

ҚАЙТАР ДУНЁ

Расул ота қариган чоғида болаларнинг ҳузурини кўриб, отти қават кўрпачада кексалик гаштини суриш ўрнига тарбиялаб, ўқитиб-ўстирган, не машаққатлар билан уйли-жойли қилган болаларидан меҳр-оқибат кўрмади. Бунга аввало ўзи айбдор. “Қилма-топасан”, деганларидек ўзининг бир вақтлар ота-онасига ўтказган зугум ва озорлари фарзандидан қайтаётган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, нима бўлганда ҳам энди ҳеч нарсани ортига қайтариб бўлмайди. Эركатой хотинининг гапига кириб бева қолган отасини қариган чоғида нима қўйларга солмади, дейсиз. Биттаю битта фарзанди бўлган Расулнинг қўлидан бир пиёла чой ичолмай ўғил ва набира-ларнинг меҳрига зор бўлган Раҳим бобонинг сингисиникида кўзлари юмилди. Энди эса навбат Расул акага келиб турибди.

Улиши олдида қажиртириб олиб келинган биттаю битта ўғил — Худойберди Расул ота шундай васият қилди:

—Ўғлим, мана умримнинг охириги сонияларини ҳам ўтаяпман, нима бўлганда ҳам менинг зурри-едим сенсан. Ишқилиб сен орқамда қолиб, болаларингга бош-қош бўл. Нимаики қилган бўлсанг фарзандларингдан қайтади... Оталик васиятим, болишимнинг тағида ўлимимига деб емай-ичмай йилги қўйган пича пулим бор. Ма, ол! Уни тежаб-тергаб, маърака-маросимларга сарф қил! Қабримга тупроқ ташлаб қўмсанг бас! Фарзанд қабрининг бошида турмаса уят бўлади. Нима қилган бўлсан ўзим етиштирган дарахтнинг ҳосилисан. Гина-қудурат бекор. Қабримга тошин кераги йўқ. Ҳаётнинг оғир тоши босгани ҳам етиб-ортади. Мени онангнинг қабри ёнига дафн этсанглар бас. Биттаю-битта ўғилсан, элу юртга шарманда бўлмай, барча айтганларимни адо эт! Токи охириги васиятим юрагингда бир умрлик армон бўлиб қолмасин! Бу дунё қайтар дунёдир, онанг иккомимиз нима қилган бўлсан сени деб, сенинг бахтининг қуриш учун қилдик...

Худойберди отасининг ўлимидан сўнг элга шарманда бўлмаслик учун

нинг вафотидан сўнг ҳам ўз хурсандчилиги билан бўлган маишат-параст Худойберди катта илдирига дарз кетганини сезмади ҳам.

Ҳа, қайтар дунё деганлари шу бўлса керак. Расул ака ҳам ота-онасига ўтказганларини ягона фарзандидан топди.

Ҳалиям қўни-қўшин, ёр-биродарлар бор экан. Улар баҳоли қудрат Расул отанинг ҳолидан хабар олиб, йўқлашиб туришди. Аммо фарзанднинг йўли бўлак экан. Чол ҳар бир кунининг фарзанд ва набиралар меҳрига зор, кўзлари йўлга термулиб ўтаётганлигини энди дил-дилдан ҳис қилди. Худо раҳматига олган отасининг ҳам унинг йўлига нечоғли кўз тутиб, қон ютганларини ўйлаб, кимсасиз уйда силкиниб-силкиниб йўқлаганида сел бўлган юрагини бўшатиб оларди.

Маҳалла аҳли Расул отанинг аҳолига тушуниб, қўшни маҳалладан бир бева аёлни топишиб унга никоҳлаб ҳам қўйишди. Аёл Расул отанинг иссиқ-совуғига қараб, яхши парвариш қилди. Анчагина тетикашиб қолган чол аёли билан яна 4-5 йил умргузаронлик қилди. Минг афсуски, аёлнинг умри қисқа экан, отадан олдин қазоси етди. Расул ота яна ҳайхотдек ҳовлида бир ўзи қолди. Қолган умрини эса фарзанди ва набиралари меҳри-дийдорига зор, йўлига кўзлари интиқ бўлиб ўтказди.

Маросимлар ўтиб, 3-4 кундан кейин яна ҳамма ёқ сув сепгандек жим-жит бўлиб, ҳаёт давом этаверди.

Шундай қилиб Расул отанинг умр поёни ҳам ўз инъикосини топди.

Айтишларича, Искандар Зулқарнайн ўлими олдида шундай деб васият қилган экан:

—Агар мен ўлсам, мазорга олиб бораётганларингизда икки қўлимни буш ҳолатда тобдундан чиқариб қўйинглар. Чунки мен шундай катта бойлик ва ерларга эга бўлсамда, тупроққа фақат буш қўл билан кетмоқдаман.

Токи барчамиз шуни яхши англаб етайликки, одамзоднинг тупроққа олиб кетадигани фақат савоб ва яхшилик, меҳр кўргизишдир.

Марям АХМЕДОВА

ТАЪТИЛ
ДАВОМ ЭТАДИ

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча ёзги дам олиш масканлари болажонлар билан гавжум. Бугунгача биргина пойтахтликларнинг 25 минг нафарга яқин фарзанди Тошкент шаҳри ва вилоятидаги сўлим оромгоҳларда хордиқ чиқариб кайтди.

—Мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган чора-тадбирларга шахримизнинг тегишли ташкилот ва корхоналари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг масъул ходими Ирода Ҳикматова. — Шаҳарда қолган болажонлар режа асосида кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари, пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларига, клуб ва кутубхоналарга жалб этилмиш.

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, икки минг нафарга яқин Оролбўйи болаларига бепул, ўсимлар спорт мактаблари ўқувчиларига имтиёзли йўлланмалар берилаётди.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан олинган маълумотга кўра, бу йилги ёзги таътил охиригача яна йигирма минг нафарга яқин пойтахтлик бола сўлим оромгоҳларда дам олади. Улар мавсумни сермизмун, мароқли ўтказишлари учун ҳар хил кўнгличлар ўйинлар, оромгоҳлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиляпти.

Айни пайтда оромгоҳларга болаларни қабул қилишнинг учинчи босқичи бошланди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

2005 — Сихат-саломатлик йили

БИЗ ГИЁВАНДИККА
ҚАРШИМИЗ!

Мирзо Улугбек туман Халқ таълими бўлими ташаббуси билан 256-сонли ўрта таълим мактаби қошидаги «Камалак» оромгоҳида ўтказилган тадбир айнан шундай деб номланди.

Тадбирни оромгоҳ бошлиғи И.Лесюнова очар экан, оромгоҳда бу борада қилинаётган ишлар ва келажақдаги режалар ҳақида батафсил сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази бош мутахассиси Х. Ҳайдаров, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси А.Тоҳирийнинг маърузалари йиғилганларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмади, чунки ушбу маърузалар нафа-

қат «XXI аср вабоси» деб ном олган иллатнинг одамзодга келтираётган зарари ҳақида, балки қандай қилиб унинг олдини олиш, ундан қутулиш ва бошқаларни ҳам унинг исканжасига киришдан ҳалос этиш ҳақида амалий таклифлар билан бой эди.

Ушбу тадбирда нафақат шу оромгоҳнинг ходимлари, балки бошқа мактаб вакиллари ҳам борлигидан фойдаланиб, тажриба алмашиш мақсадида, сўзни 50-сонли мактаб директори ўринбосари З.Рафурова олар экан, бу иллатга қарши

барча, яъни мактаб ҳам, маҳалла ҳам, оила ҳам биргалашиб курашгандагина ихобий ва тезкор натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида ва бу борада мактабда қилинаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Тадбир давомида болалар мавзуга бағишлаб тайёрлаган кичик саҳна кўринишлари ва спорт чиқишларини намойиш қилдилар.

Тадбир якунида «Камалак» оромгоҳида дам олаётган болалар ўртасида «Мен гиёвандликка қаршиман» мавзусида асфальт расм чизиб бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, голбиларга «Адра» Халқаро жамғармаси томонидан ажратилган совгаларни Ибн Сино Халқаро жамғармаси ижрочи директори М.Мўминов топширди. Шунингдек, ушбу жамғарма томонидан тадбир қатнашчиларига мавзуга тегишли бир қатор услубий қўлланмалар ва плакатлар тарқатилди.

(Ў мухбири)

Спорт

ФИНАЛ
БОСКИЧИДА
КАТНАШИШАДИ

Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида баскетбол бўйича эркалар ўртасида Ўрта Осиё зонасида Осиё чемпионатида саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу зонадан Қозғистон, Хиндистон, Ўзбекистон, Бангладеш ва Непал терма жамоалари ўрин олган бўлиб, шулардан фақат учтаси шу йилнинг сентябрь ойида Каттар мамлакатининг Доха шаҳрида ўтказиладиган кўта чемпионатида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритиши белгиланганди.

Энг муҳими, терма жамоамиз ўз олдига қўйган мақсадга эришди. Непал ва Бангладеш термалари устидан қозонилган икки галаба ва гуруҳ пешқадами — Қозғистон баскетболчилари, шунингдек хиндистонлик спортчилардан маълумиятлар мамлакатимиз баскетболчиларининг учинчи ўринни эгаллашлари учун имкон яратди.

Биз Осиё чемпионатининг финал босқичида баскетболчиларимизнинг соғирлиги ўринлардан биринчи эгаллашларида тилакдошимиз.

ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Маълумки, 2006 йилда Германиянинг яшил майдонларида бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида сўнгги саралаш босқичининг охириги ҳал қилувчи беллашувида мамлакатимиз футболчилари Кувайт терма жамоасини ўз майдонларида қабул қилади.

Футболчиларимизнинг келгуси тақдирини мазкур ўрашув натижасига бевосита таъсир қилган яна бир қарар таъкидлаб ўтамиз. Зеро, турнирда бир текисда иштирок эта олмаган чарм тўп усталиримизни гуруҳдаги сўнгги босқичда фақат галаба қониртиради. Агарда футболчиларимиз галаба қозонсалар (ўйла-мики, бунинг учун барча имкониятлар етарли), ўз гуруҳдаги учинчи ўринни эгаллаган Бахрайн терма жамоаси билан куч сынашадилар. Сўнгги ўрашув эса КОНКАКАФ минтақасининг яна бир термаси билан ҳал қилувчи босқичга йўл очиб бериши мумкин. Мазкур ўйин ғолиби эса Германияга бевосита йўналиш олади.


Бундай муросаси ўрашувларда ишларининг ҳақлиқ қилиши ҳам муҳим аҳамият касб этилиши ҳисобига олган ҳолда Ўзбекистон-Кувайт ўйини ҳақамларини эслатиб ўтамиз. Ўрашувда малайизлик Мохд Солиҳ Субҳиддин бош ҳақам этиб тайинланганди. Малайя ороллари вакили Сайид Мухаммад ҳамда малайзиялик Исхр Насаруддин қанот ҳақамлари сифатида майдонга тушди.

(Ўз мухбиримиз)

«TRIUMF GRAND» ҳусусий корхонасининг мақоми «TRIUMF GRAND» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилмоқда. Мурожаат учун манзил: Юнусобод 19-2-122.

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 48-ўрта мактаб томонидан 1990 йил 20 июнда Касапулатова Татьяна Айтбаевна номига берилган XI № 542049 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Шарк» нарийр-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Бош таҳририят ҳудудиса Юлдуз Бизаатовга волидан муҳтарамаси **КУНДУЗХОН** аянинг вафоти муносабати билан кўкур таъзия изхор этади.



Енгил атлетика

ЎСМИРЛАР ЎЙИНИДАН МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

Россиянинг энг сифатли ва замонавий курул-аслаҳалари билан жаҳонга маълуму машҳур Тула шаҳрида енгил атлетика бўйича Хитой, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Болтиқбўйи мамлакатларининг ўсмирлар ўйинлари бўлиб ўтди.

Йигирмага яқин мамлакатларнинг энг кучли, номдор енгил атлетикачилари галаба учун кураш олиб борган халқро турнир баҳсларини қўзғатган мутахассису, мухлис-лар бир олам завқ олдилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа жамоаларга нисбатан мамлакатимиз енгил атлетикачилари кам сонли бўлган бўлсаларда, қўллаб-қўрғин натижаларни кўрсатдилар. Жумладан, уч хатлаб сакраш бўйича ҳамюртимиз

Тарас Моисеенко ўсмирлар ўйинларининг чемпионлигини қўлга киритган бўлса, диск улоқтирувчилар баҳсида Оксана Котта ҳам олтин нишон насиб этди.

Баландликка сакраш ҳам энг қизиқарли спорт турлари қаторига қиради. Ушбу йўналишда яна бир ўзбекистонлик спортчи Светлана Радзивилов кумуш нишон соҳиби бўлди. Ва ниҳоят ядро улоқтириш бўйича Василина Козлярская учинчи ўрин билан кифояла-

ниб, бронза медалини қўлга киритди.

400 метрга югуриш баҳсларида ҳамюртимиз Ирина Зудихина совриндорлардан бир оз орта қолгани ҳолда туртинчи ўрин билан кифояланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар. Алишер Рискиев (ЎЗА) олган суратлар.

050: қўтқарув хизмати

КЕЧАЮ КҮНДУЗ КҮМАККА ШАЙ

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси томонидан юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш, профилактик ишларини янада яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирлар йил давомида амалга ошириб келинмоқда.

Бошқарманинг 2005 йил тўрт ой мобайнида олиб борган иш фаолиятига назар солсан, пойтахт ҳудудий тизимларидан олинаётган сейсмик, геогидрометеорологик хавфли ҳодисалар, саноат ва транспортдаги авария ҳолатлари, эпидемиологик, эпизоотик, эпифитотик, радиоактив, кимёвий ҳамда биологик (бактериологик) ҳолат бўйича маълумотларни тўллаш ва қайта ишлаш (таҳлил қилиш ва саклаш) тадбирлари амалга оширилаётганини кўрамиз.

Бошқарма тезкор вазият тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиб, «Қўтқарув хизмати»нинг куч ва воситалари доимо тай-ёр ҳолда туриши назорат қилинмоқда. Ҳудудий қуйи тизимларнинг фавкуллода вазиятларнинг олдини олиш ишларини ташкиллаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиб, зарурат туғилганда пойтахт Фавкулло муҳофазасининг тегишли хизматларини жалб қилиш ташкил этилмоқда.

«Навбатчилик-диспетчерлик хизмати» навбатчи-диспетчерлари Тошкент шаҳар суе хўжалиги бошқармаси, «Бўзсув» ирригация тизимлари бошқармаси, Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси, «Ирригация» трести, Ободонлаштириш бош бошқармаси диспетчерлари билан доимий алоқада бўлиб, шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи барча ариқлар, каналлар ва анҳорлардаги суе сатҳи даража-си, шунингдек тошқиннинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар назоратга олинмоқда.

Шу ўтган вақт ичида 050: «Қўтқарув хизмати» телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 44192 маротаба мурожаатлар келиб тушди. Юқорида қайд қилинган мурожаатлардан 678 тасида инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавкуллода вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган қа-тирувларга «Қўтқарув хизмати» қўтқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва табиий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари 8405 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан Фавкулло муҳофазаси хизматлари (тиббий, газ, иссиқ суе таъминоти, оқва суе ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез табиий ёрдам хизмати ҳамда ихтимоий таъминот ҳодимлари билан биргаликда 130 маротаба воқеа содир бўлган жойга чиқиб, 86 нафар ўриндан тура олмайдиган кекса, ногиронлирга таълик билан биринчи табиий ёрдам кўрсатишди. 237 маротаба уй ичарисидан газ плиталари ёки электр жиҳозлари ёқилган ҳолда бўлган эшиги берк хонадонлар махсус асбоб-ускуналар ёрдамида очиб берилиб, ёнғин-портлаш хавфи ҳамда одамларнинг газ билан заҳарланиши фалокатларининг олди-

олинди. Қўтқарувчилар томонидан 198 маротаба уй ичида ёш болалар қолган хонадонлар эшиклари очиб берилиб болаларнинг газ билан заҳарланиши фалокатининг олди олинди ва гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

«Қўтқарув хизмати» қўтқарувчилари томонидан Тошкент шаҳар ҳудудидида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида 14 маротаба ИХХБ ҳодимлари иштирокида жабрланган фуқароларни шикастланган автоуловлардан чиқариб, уларга биринчи табиий ёрдам кўрсатилди ва жароҳатланганлар тезда табиий муассасаларга олиб борилиб, бу инсонларга ҳам халоскорлик хизмати кўрсатилди.

«Қўтқарув хизмати»: 050 телефонларига бир кечаю-кундуз мобайнида ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар фуқаролари, қорхона ва ташкилотлардан ўрта жиҳобда 400-415 маротаба мурожаатлар келиб тушмоқда. Мурожаатларнинг ҳар бири юзасидан бошқарма томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилади. Бу эса навбатчи-диспетчерлик хизмати диспетчерларидан навбатчиликни ўташ вақтида юқори даражада тезкорлик, аниқлиқни талаб қилади. Ўз касбининг моҳир, зийрак, малакали усталари У.Жумабоев, Т.Солиев, Х.Вохидов, Ф.Шукуров, Қ.Қайумов каби навбатчи-диспетчерлар ўзларига юклатилган шарафли ва масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажармоқдалар.

Хуснияҳон ТОҶИБОЕВА,
Азамат СУЮНОВ

Мунажжим башорати

ЗИНҲОР
ЖАНЖАЛЛАШМАНГ

21 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

Бу гал мунажжим С. Илчиёв фикрига таяниб шунинг айтиши мумкинки, бугун ҳар қандай вазиятда жанжаллашиш мумкин эмас. Унинг ўрнига ўйланиш, ҳарид қилиш, дам олиб хурсандчиликда кунни ўтказиш макул.

Яна бир мунажжим фикрича, шу кунни одамлардаги ички «илон» гимирлаб қолади. Бугун туғилган одамлар эса умуман илон табиати бўлишади. Бу кун шуниси билан хавфлики, у одамларни бўшаптириб, тан-бал, ҳар нарсасга қўнуқувчан, таъсирларга берилувчан, хирсий туйғуларини жийовлашга оғиз қилиб қўяди.

Тўлиқ ой ҳамиса бўлганидек метеотай-сирчан кишиларга ҳар қандай тўсиқ ва чегараларга кескин қаршилиқ қиладиган таъсир кўрсатади. Сатурн ва Кўёш энергияларининг бирлашиши эса, омадли натижани кутуви ҳар бир кишидан ғоят жиддийлик ва сабот-матонат талаб қилади.

Бугун турли хил аломатларга одатда эътибор қилинмайди. Бу кеча кўринган ёрқин, аниқ-тиниқ тушлар башоратли бўлиб, тезда ўнгидан келади.

Асаб тизими ва кўриш аъзолари заифлашган ҳолатда бўлади. Вена қон томирлари варикоз кенгайиши, оёқ бўғимлари оргми хуруж қилиши эҳтимоли бор.

Кийинишда яшилликка мойил ранглардаги либосларга устиворлик беринг. Ҳар қандай ола-була, қизил ва сиёҳранг тусли кийимлардан бугунча воз кечинг.

ПАЙШАНБАДА:

- асбоблар, спорт анжомлари, идиш-товоқ, хўжалик моллари харид қилиш;
- сафарга йўл олиш;
- мева-салат бангаларга консервалаш, пазандалик билан шуғулланиш;
- куч ва маблагингизни тежаб-тергаш;
- ишлаб чиқаришда ташаббус кўрсатиб, уйда ўзингизни жўн ва табиий тутишга ҳаракат қилинг. Дангасаликка берилиш, беқор ўтириш, ўзингизни аяшдан, ортқиқа ўжар-ликни намоён этишдан, кўп вақтингизни ёлғизликда ўтказишдан тийилинг.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ объект устунида
босилади.
2496 нускада босилади. Қўзғатилган А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашригга етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиб ва сақланганлиги.

«Шарк» нарийр-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
Корхона манзили: «Буёқ Тўра» кўчаси, 41-уй.